TASHKENT STATE UNIVERSITY OF ECONOMICS

# MEHNAT IQTISODIYOTI VA INSON KAPITALI

2023

ILMIY ELEKTRON JURNAL MAXSUS SON

2nd FORUM OF DEVELOPMENT STRATEGY: GLOBAL AND NATIONAL ECONOMIC TRENDS

19-20 OCTOBER

PARALLEL CONFERENCES "NEW2AN, ICFNDS AND ICDSIS"

CONFERENCE "IFRS"

- Macroeconomic Stability
- Social Welfare
- Human Capital
- Decent Employment
- World Economy
- Gender Equality
- Industry 4.0
- Sustainable Agriculture

# MEHNAT IQTISODIYOTI VA INSON KAPITALI

https://laboreconomics.uz




# MEHNAT IQTISODIYOTI VA INSON KAPITALI
## 2023-yil Maxsus son

# ЭКОНОМИКА ТРУДА И ЧЕЛОВЕЧЕСКИЙ КАПИТАЛ

# LABOR ECONOMICS AND HUMAN CAPITAL

## laboreconomics.uz

**“Mehnat iqtisodiyoti va inson kapitali”** ilmiy elektron jurnali O‘zbekiston Respublikasi Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vazirligi huzuridagi Oliy attestatsiya komissiyasi (OAK) rayosatining 2023-yil 3-iyundagi 328/3-sonli qarori bilan ro‘yxatga olingan.
**Muassis:** “Mehnat iqtisodiyoti va inson kapitali” ilmiy maktabi.

**Tahririyat manzili:**
100066, Toshkent shahri, Islom Karimov ko‘chasi, 49-uy.
**Elektron manzil:** *ilmiymaktab@gmail.com*
**Jurnal web-sayti:** *www.laboreconomics.uz*
**Bog‘lanish uchun telefonlar:**
+998 (99) 881-86-98.

TOSHKENT–2023

## EDITORIAL BOARD | TAHRIRIYAT KENGASHI

**Tahririyat Kengashi raisi: (Chairman of the Editorial Board)**
Abdurahmanov Qalandar Xodjayevich, O‘zFA akademigi

**Tahririyat Kengashi a’zolari: (Members of the Editorial Board)**

Toshqulov Abduqodir Hamidovich,
i.f.d., prof.

Yusupov Axmadbek Tadjiyevich,
i.f.d., prof.

Sharipov Kongratboy Avezimbetovich,
t.f.d., prof

Raifkov Kudratilla Mirsagatovich,
i.f.d., prof

Xalmuradov Rustam Ibragimovich,
i.f.d., prof

Umurzakov Baxodir Xamidovich,
i.f.d., prof.

Nazarov Sharofiddin Xakimovich,
i.f.d., prof.

Jumayev Nodir Xasiyatovich,
i.f.d, prof.

Abduraxmanova Gulnora Kalandarovna,
i.f.d., prof.

Eshov Mansur Po‘latovich,
i.f.d., prof.

Zokirova Nodira Kalandarovna,
i.f.d.. prof.

Xudoyberdiyev Zayniddin Yavkachevich,
i.f.d., prof.

Muxiddinov Erkin Madorbekovich,
i.f.f.d., (PhD)

Xolmuxammedov Muhsinjon Murodullayev,
i.f.n., dots.

Amirov Lochinbek Fayzullayevich,
i.f.f.d., (PhD), dots.

G‘oyipnazarov Sanjar Baxodirovich,
i.f.f.d., (PhD), dots.

Shakarov Zafar Gafarovich,
i.f.f.d., (PhD)

**Jamoatchilik Kengashi a’zolari:**
***(Community Council members)***

Bred Bodenxauzen (AQSh)
Jon Ankor (Buyuk Britaniya)
Odegov Yuriy Gennadevich
(Rossiya Federasiyasi)
Xeynz Miller (AQSh)
Sung Dong Ki (Koreya Respublikasi)
Masato Xivatari (Yaponiya)
Gerxard Feldmayer (Germaniya)
Eko Shri Margianti (Indoneziya)
Ahmed Mohamed Aziz Ismoil (Misr)
Rohana Ngah (Malayziya)
Sharifah Zanniyerah (Malayziiya)
Teguh Dartanto (Indoneziya)
Nur Azlinna (Saudiya Arabistoni)
Muhammed Xoliq (Pokiston)
Alisher Dedaxonov (Toshkent)

**Mas’ul muxarrir (Editor-in-Chief):**
G‘oyipnazarov Sanjar Baxodirovich
**Veb-administrator (Web admin):**
Musayev Xurshid Sharifjonovich


Toshkent sh,
O‘zbekiston st.
www.laboreconomics.uz
+998 (99) 881-86-98
ilmiymaktab@gmail.com

# MUNDARIJA (CONTENTS)

## MEHNAT BOZORI VA MEHNAT MUNOSABATLARI


| | | |
|---|---|---|
| Q.X. Abdurahmonov<br>S.B. G‘oyipnazarov | Сунъий интеллектни жорий этиш натижасида меҳнат бозоридаги ўзгаришлар | 6–12 |
| R.I. Nurimbetov<br>A.M. Ismailov | O‘zbekiston iqtisodiyoti tarmoqlari rivojlanishi va aholi bandligini manfaatdorlik indeksi asosida baholash | 13–21 |
| N.T. Shayusupova<br>S.S. Amirdjanova | Прогнозирование макроэкономических показателей роста экономики и занятости населения республики | 22–29 |
| I.A. Bakiyeva | Тошкент вилоятида ишсизларни замонавий касб-ҳунарга ўқитишни самарали ташкил этиш йўллари | 30–34 |
| S.I. Sotnikova | Наемный труд: институциональные эффекты неравновесной экономики | 35–41 |
| A.S. Usmanov<br>M.A. Bahriddinova | Qashqadaryo viloyatida bandlikning tarmoq tuzilishidagi o‘zgarishlar va uning aholi turmush farovonligiga ta’siri | 42–48 |
| X.F. To‘xtayeva | Туристик хизматлар бозорида бандликни тартибга солиш ва бошқариш бўйича илғор хорижий тажрибалар | 49–56 |
| B.Z. Ganiyev | O‘zbekiston hududlarida bandlikning iqtisodiy o‘sishga nisbatan elastikligi tahlili | 57–61 |


## INSON RESURSLARINI BOSHQARISH


| | | |
|---|---|---|
| S. Sotnikova<br>N. Sotnikov | Ecology of the employee’s career based on the concept of time management | 62–70 |
| A.N. Turayev<br>B.B. Suvonov | Направления развития анализа затрат труда в хозяйствующих субъектах | 71–76 |
| B.B.Suvonov | Зарубежный опыт анализа показателей затрат труда в хозяйствующих субъектах | 77–82 |
| Z.M. Xasanova | Enhancing economic education and human resources management: a study of innovative approaches in Uzbekistan’s higher education institutions | 83–91 |
| R.R. Oqmullayev | Инсон ресурсларини бошқариш — олий таълим муассасаларининг глобал рақобатбардошликка эришиш омили | 92–102 |
| B.B. Mardonov | Xizmat ko‘rsatish sohasida kadrlar salohiyatini baholash | 103–108 |
| M.Sh. Xaydarova | Использование искусственного интеллекта в управлении человеческими ресурсами | 109–123 |


## INSON KAPITALI


| | | |
|---|---|---|
| A. Zikriyoyev<br>D. Khojamqulov<br>M. Raimjanova<br>N. Turayev<br>A. Abdullayev | Human capital development in the context of health and safety regulation: policy analysis in construction industry | 124–138 |
| A. Zikriyoyev<br>M. Farmonova<br>Ch. Keldiyorova<br>D. Nekboyev<br>O. Murodova | Orientation / induction day as a remedy for human caital investment at higher education | 139–150 |
| A.S. Boltayev<br>Y.M. Otaboyev | The impact of health and education expenditure on economic growth in case of Uzbekistan | 151–163 |
| O.A. Eshbayev | Strategic integration of emerging technologies in engineering education: a holistic approach to cultivate human capital for the digital economy | 164–169 |

| | | |
|---|---|---|
| A.O. Jumanov<br>R.A. Omirzakov | Innovative environmental education in higher education: fostering sustainable mindsets for a greener future | 170–175 |
| I.Sh. Khadjiyeva | School climate quality and education quality: evidence from 15 worst performing nations at PISA 2018 | 176–187 |
| M.O. Kurolov | Leveraging digital healthcare marketing strategies to enhance social welfare through human capital development | 188–192 |
| M. Numanova<br>F. Khakimov | Priorities for the development of national human capital in the economy | 193–198 |
| M.X. Xo'jayeva | Properties of innovative activity in the education system of Uzbekistan | 198–203 |
| H.T. Yaxshiyev | Mehmonxona hamda restorani biznesi faoliyati tushunchasi va mohiyati | 204–206 |
| X.B. Nasriddinov | O'quvchilarning kreativ fikrlashini rivojlantirishda ta'lim metodlaridan foydalanish | 207–210 |
| Sh.Y. Sharobiddinov | Investing in human capital: a comparative analysis of democratic and authoritarian regimes | 211–220 |
| Z.M. Xasanova | Comparative analysis of innovative education management strategies for economic education and green development: lessons from foreign countries | 221–228 |
| S.R. Xolbayeva | Трансформация системы подготовки кадров в целях повышения эффективности функционирования человеческого капитала в экономической системе | 229–238 |

**INSON TARAQQIYOTI**

| | | |
|---|---|---|
| Sh.U. Jo'rayeva | Socio-economic significance and analysis of the standard of living of the population | 239–244 |
| N.M. Khazratkulova | The impact of inter-budgetary relations on regional growth and the standard of living of the population of the regions (on the example of the republic of Uzbekistan) | 245–250 |

**KAMBAG'ALLIKNI QISQARITRISH**

| | | |
|---|---|---|
| G.Q. Abduraxmonova<br>M.X. Fayziyeva<br>Sh.Q. Xoliyorova | O'zbekiston davlat ijtimoiy himoya tizimini mustahkamlashda raqamli rivojlanishning o'rni | 251–261 |

**GENDER TENGLIK**

| | | |
|---|---|---|
| G.Q. Abruraxmonova<br>N.U. Khalimjonov | Gender inequality in labour market | 262–268 |

**MUNOSIB MEHNAT**

| | | |
|---|---|---|
| Sh.X. Raxmatullayeva | Milliy korxonalarda mehnat samaradorligining muhim ko'rsatkichlarini baholash tizimini imkoniyatlari | 269–275 |
| Z.U. Usmonov | Ko'zi ojiz shaxslarni ish bilan ta'minlashning obyektiv zarurligi | 276–283 |

**TADBIRKORLIKNI RIVOJLANTIRISH**

| | | |
|---|---|---|
| L.F. Amirov | Современные тенденции развития аграрного сектора Республики Узбекистан | 284–293 |
| I. Khotamov<br>A. Kasimov<br>Y. Najmiddinov<br>G. Yuldashev | The current importance of alternative energy and renewable energy in Uzbekistan | 294–317 |
| Z.T. Abdurakhmanova | Factors affecting sustainable agriculture and food production in Uzbekistan | 318–328 |
| J.X. Ishanov | Determination of hydraulically acceptable length of drip irrigation pipe | 329–334 |



Toshkent sh, Islom Karimov k., 41-uy. ilmiymaktab@gmail.com www.laboreconomics.uz +998 (99) 881-86-98

| | | |
|---|---|---|
| U.Sh. Duskobilov | Influence of monetary policy instruments on macroeconomic stability during the transition to inflation targeting in Uzbekistan | 335–342 |
| Sh.D. Ergashkhodjayeva<br>E.Y. Khojiyev | The EU’s generalised system of preferences: impact on foreign trade of domestic products | 343–348 |
| O.A. Eshbayev | Exploring synergies: redefining engineering education management for industry 4.0 in the digital economy era | 349–354 |
| H.B. Haydarov | O‘zbekistonda makroiqtisodiy barqarorlikni ta’minlashda xorijiy investitsiyalarning tutgan o‘rni | 355–361 |
| M.R. Khidirova | Improving the efficiency of corporate governance based on the modeling of agricultural machinery enterprises | 362–369 |
| B.N. Ishniyazov | Analysis of the activities of innovation of the agricultural sector of our country | 370–374 |
| N.N. Ismoilov | Implementing SDGS (sustainable development goals) in small business entities | 375–380 |
| N.S. Karimova | O‘zbekistonda klasterlar faoliyatini tashkil etish mexanizmi | 381–385 |
| M.R. Khayitova | The essence of green loans in a global unstable environment | 386-391 |
| S.B. Maxmudov | Milliy iqtisodiyotda eksport amaliyotiga ta’sir etuvchi omillarni ekonometrik tahlilini baholash | 392–401 |
| Y.F. Najmiddinov | Initial efforts to develop green energy and green growth in Uzbekistan | 402–407 |
| Ch.G. Nosirova | Developing sustainable pathways for textile product exports: a green strategy approach to enhance social welfare | 408–415 |
| N. Khalimjonov<br>P. Allayarov | The gravity trade model for Uzbekistan | 416–424 |
| D. Usmonova | Evaluating the role of marketing strategies in fostering the growth of viticulture enterprises for achieving sustainable agricultural development | 425–431 |


**MAKROIQTISODIYOT**


| | | |
|---|---|---|
| A. Valiyeva | Assessing the impact of sustainable agricultural practices on legume market dynamics: a comprehensive marketing research analysis | 432–440 |
| V.K. Yarashova | The mutual influence of transport on macroeconomic indicators in Uzbekistan | 441–447 |
| M.S. Yusupov<br>G.T. Ismoilova | Oziq-ovqat mahsulotlari ishlab chiqarish zanjirida agrosanoat klasterlarining ahamiyati va rivojlantirish imkoniyatlari | 448–459 |
| M.T. Abdurahmanova<br>M.M. Ismailova | Қишлоқ хўжалигида ер ресурсларидан самарали фойдаланишнинг хориж тажрибасини такомиллаштириш | 460–465 |
| N.B. Achilova | Сущность и значение национального брендинга стран в условиях глобализации | 466–474 |
| J.N. Bayisbayev | Мамлакатимизнинг тадбиркорлик субъектларини ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлашдаги иштироки | 475–481 |
| A. Valiyeva | Оценка роли устойчивых методов ведения сельского хозяйства в повышении конкурентоспособности рынков бобовых: глобальный маркетинговый анализ | 482–490 |
| F.R. Bobobekov | Макроиқтисодий барқарорлик шароитида факторингга таъсир этувчи омиллар | 491–497 |
| D.B. Xajiyev | Даромадларни қайта тақсимлаш жараёнларини тартибга солишнинг фискал воситалари | 498–504 |

# МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ ИЖТИМОИЙ ФАОЛИЯТИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШДАГИ ИШТИРОКИ

**Байисбаев Жавлон Нурланович**
Тошкент давлат иқтисодиёт университети таянч докторанти

**Аннотация.** Ушбу мақолада мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларини фаолиятини қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик субъектларининг ижтимоий фаоллиги тушунчаси, тадбиркорларнинг ижтимоий фаоллигини оширишдаги муаммолари, ижтимоий муҳит ҳақида батафсил тўхталиб ўтилган. Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш йўллари орқали, ижтимоий фаолликни оширишга доир қарашлар ва йўналишлар ўрганилган. Тадбиркорларнинг ижтимоий фаолиятини ошириш механизмлари таклиф этилган.

**Калит сўзлар.** тадбиркорлик, ижтимоий фаолият, давлат, сиёсат, жамият, иқтисод, психология, тараққиёт, ривожлантириш, корхона, ижтимоий муаммолар, кредитлаш.

## УЧАСТИЕ НАШЕЙ СТРАНЫ В ПОДДЕРЖКЕ СОЦИАЛЬНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКИХ СУБЪЕКТОВ

**Байисбаев Джавлон Нурланович**
Базовый докторант Ташкентского государственного экономического университета

**Аннотация.** В данной статье подробно рассматривается поддержка деятельности хозяйствующих субъектов в нашей стране, концепция социальной активности хозяйствующих субъектов, проблемы предпринимателей в повышении их социальной активности, социальная среда. Через пути развития предпринимательской деятельности в нашей стране были изучены взгляды и направления по повышению социальной активности. Предложены механизмы повышения социальной активности предпринимателей.

**Ключевые слова.** предпринимательство, социальная деятельность, государство, политика, общество, экономика, психология, развитие, девелопмент, предприятие, социальные проблемы, кредитование.

## PARTICIPATION OF OUR COUNTRY IN SUPPORTING THE SOCIAL ACTIVITIES OF BUSINESS ENTITIES

**Bayisbayev Javlon Nurlanovich**
Base doctoral student of Tashkent State University of Economics

**Abstract.** This article discusses in detail the support of the activities of business entities in our country, the concept of social activity of business entities, the problems of entrepreneurs in increasing their social activity, the social environment. Through the ways of developing entrepreneurial activity in our country, views and directions on increasing social activity have been studied. Mechanisms for increasing the social activity of entrepreneurs have been proposed.

**Keywords.** entrepreneurship, social activities, state, politics, society, economics, psychology, development, development, enterprise, social problems, lending.

**Кириш:**

Ўзбекистонда тадбиркорлик жамиятининг ижтимоий-иқтисодий муносабатлари мужассамлашган, яққол намоён бўладиган ҳамда тез ривожланиб бораётган ва ҳаракатчан соҳасига айланиб бормоқда. Мамлакатда бозор муносабатларининг шаклланиши ва иқтисодий тараққиётида унинг ўрни ва роли тобора сезиларли тус олиб бормоқда.

XX асрда тадбиркорликни илмий-амалий таҳлил қилишда янги Австрия мактаби атоқли вакили бўлган У.Шумпетер катта роль ўйнайди. У тадбиркорликнинг ижтимоий фаолиятини ҳаракатчан иқтисодий жараёндаги ролини, унинг яратувчанлик функциясини аниқлайди, тадбиркорнинг психологик қиёфасини чизади. Унга кўра, тадкбиркор иқтисодиётни

ҳаракатлантирувчи асосий кучдир. Тадбиркорликка айрим ҳолларда ўз-ўзидан мавжуд бўлган йўналиш деб, эътиборсизлик билан қарашларни танқид қилиб, тадбиркорликги бўлмаган иқтисодиётни тасаввур қилиб кўришни тавсия этади. У тадбиркорнинг ижтимоий фаолиятини асосан энергияси, иродаси, интилиши инвестиция сиклини ҳаракатга келтиради, техникавий тараққиётнинг юқори чўққисига кўтарилишига имкон яратади, инқирозга учраган иқтисодиётни қайта жонлантиради ва тиклайди деб эътироф этади.

Шумпетер тадбиркорликни ижтимоий фаолиятининг мақсадлари, тадбиркорнинг интилиш сабабларини ўрганиб, унинг психологик қиёфасини қуйидагича ифодалайди[1]:

1) ҳақиқий тадбиркорда ҳукмронлик қилиш, эгалик қилишга интилиш моддий фаровонликка эришишдан ҳам кучлироқ ривожланган бўлади;

2) ирода тадбиркорни ғалабага етаклайди, фойда эса унинг учун муваффақият барометри бўлиб хизмат қилади;

3) ҳақиқий тадбиркор ижод ва яратишга интилади ва у бу билан қувончини ҳис қилади деб келтириб ўтган.

Ўзбекистонда тадбиркорлик учун зарур бўлган шарт-шароитлар яратилган, мавжуд обектив шарт-шароитлар етарли: мамлакатдаги табиий бойликлар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, энергия, ер, сув, меҳнат ва бошқа ресурслар тадбиркорликни хомашё, ёқилғи-энергия ва бошқа керакли материаллар билан тўлиқ таъминлашга қодир, иқлими ҳам тадбиркорлик учун қулай. Тадбиркорликка ижтимоий фаолиятни амалга ошириш ва ривожлантириш учун жамият томонидан ҳам қулай шарт-шароитлар яратилган: тадбиркорликка оид қонунчилик шаклланган ва тадбиркорлар фойдасига такомиллаштириб борилмоқда, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш сиёсати амал қилиб келмоқда, мазкур сиёсатнинг самарадорлигини ошириш мақсадида тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат дастури қабул қилинган, махсус давлат органлари ва нодавлат ташкилотлари тузилган, тадбиркорлик субектлари учун бир қатор имтиёзлар белгиланган, уларнинг эркин ва мустақил фаолият юритишлари, ҳуқуқлари ва мол-мулклари кафолатланган ва ҳоказо. Бундай имкониятлар йилдан-йилга кенгайиб бормоқда.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили:**

Девид Борнштейн тадбиркорлик субъектларининг ижтимоий масъуллигини кўриб чиқишда кўплаб ижодий, ноанъанавий стратегиялардан фойдаланган, шу туфайли, ҳатто “ижтимоий инноватор” атамасини “тадбиркорнинг ижтимоий масъуллиги” атамаси билан алмаштириб ишлатган [2].

Бангладешлик олим Nazrul Islam тадбиркорликнинг ижтимоий фаоллиги мамлакат аҳолисининг турмуш даражасини ривожлантириш орқали жамиятни сезиларли даражада ўзгартириши мумкин. Бироқ, тадбиркорликни ривожлантиришда давлат томонидан ҳал қилинадиган баъзи жойлар мавжуд. Ижтимоий тадбиркорликни ривожлантириш ушбу соҳани ривожлантириш асоси бўлиши мумкин [3].

Anica Iancu, Luminita Popescu ва Virgil Popescu лар ижтимоий тадбиркорлик фаоллиги корхоналар ташаббуснинг янги тури бўлиб, уларнинг роли ижтимоий муаммоларни бизнесга хос усуллар: маҳсулот ва хизматларни ишлаб чиқариш ва сотиш орқали ҳал қилишдир. Ижтимоий тадбиркорлик фаолиятнинг турли соҳаларида ижтимоий ёки фойда келтирмайдиган ташкилотларнинг янги турларини яратишга олиб келади: иқтисодий, таълим, тадқиқот ва бошқалар [4].

З. Сабирова ижтимоий йўналтирилган тадбиркорларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чоралари айниқса муҳим эканлигига эътибор қаратади: ижтимоий тадбиркорлик, тадбиркорлик ва хайрия ижтимоий жавобгарлиги элементлари билан соф шаклда тадбиркорлик ўртасида оралиқ позицияни эгаллайди, ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, ресурслар учун ҳам, истеъмолчи учун ҳам рақобатлашишга мажбур бўлади. унинг маҳсулотлари ва хизматлари жамият учун хизмат қилади деб келтириб ўтган [5].

И.В.Яхнеева, А.В.Павлова ижтимоий тадбиркорликнинг ривожланиш даражаси жамият етуклигининг кўрсаткичларидан биридир. Унинг динамикаси тадбиркорлик фаолиятининг турли даражаларида ижтимоий муаммолар қанчалик муҳим бўлиб келаётганини кўрсатади. Тадбиркорликнинг ижтимоий масалаларга анъанавий эътибори, қоида тариқасида, давлат сиёсати, халқаро стандартларга риоя қилиш зарурати ёки қулай имиджни шакллантириш билан боғлиқ [6].

Ж.Б. Давлетов тадбиркор ўз ташаббуси ва маблағи билан ижтимоий-иқтисодий ҳаётни юксалтиришга хизмат қилади, ўз фаолияти ишбилармонлик муҳитини яратади, унда халқ манфаатларига хизмат қилиш туйғусини шакллантиради, ундаги янгиликка, инновацияга ўчлик мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар моҳиятига ва динамизмига муофиқ бўлиши керак [7] деб келтириб ўтган.

**Тадқиқот методологияси:**

Ушбу илмий тадқиқот ишимизни ёритишда, аналитик таҳлил, маълумотларнинг қиёсий таҳлили, солиштирма таҳлил усулларидан фойдаланилди. Таҳлиллар мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлашда давлатнинг роли, яратилган шароитлар ва имкониятларни оширишга ва соҳага оид бошқа бир қатор муаммоларни ўрганишга эришилди. Маълумотларни қиёсий таҳлил усули бўйича таҳлиллар амалга оширилиб, мавзуни кенгроқ қилиб ёритиб беришга ҳаракат қилинди. Натижада тадбиркорликнинг ижтимоий фаолиятини ривожлантириш муаммоларни аниқланиб, муаммоларга тегишли илмий асосланган таклифлар берилди ва мушоҳада қилиш асосида илмий хулосаларга келинди. Тадқиқот объекти сифатида тадбиркорлик субъектлари фаолияти ўрганилди.

**Тахлил ва натижалар**:

АҚШнинг “Makber and Company” фирмаси беш йил давомида (XX аср 80-йилларининг иккинчи ярми) энг кучли ва омадли тадбиркорлар шахсини ўрганиб, уларга хос қуйидаги ўнта махсус фазилатнинг тадбиркорларнинг ижтимоий фаолияти учун муҳим эканлигини аниқлаган[8]:

1. Ташаббускорлик ва изланувчанлик.
2. Қафиятлилик ва тиришқоқлик
3. Таваккалга доимо тайёр бўлиш.
4. Асосий мақсад - самарадорлик ва сифатда бўлиши кераклиги
5. Масъулиятни ўз зиммасига олиш
6. Мақсадни аниқ қўйиш ва унга интилиш
7. Максимал даражада ахборотга эга бўлиш
8. Мунтазам режалаштириш ва назорат қилиш.
9. Ўзгаларни кўндириш ва алоқа ўрнатиш қобилияти.
10. Мустақиллик ва ўз кучига ишониш.

Ўзбекистонда ижтимоий тадбиркорликни ривожлантириш истиқболларини баҳолаш, биринчи навбатда, унинг ривожланишига ҳисса қўшадиган ёки унга қарши турадиган омилларни аниқлаш керак (1-жадвал).

**1-жадвал**

**Ижтимоий тадбиркорликка таъсир қилувчи омиллар[9]**

| Омиллар | Ижобий таъсир | Салбий таъсир |
|---|---|---|
| Хуқуқий | Хуқуқий мақом ва давлат томонидан қўллаб-қувватлаш дастурларининг пайдо бўлиши | Имтиёзларнинг етишмаслиги |
| Иқтисодий | Давлат томонидан қўллаб-қувватлаш дастурларининг пайдо бўлиши<br>Мижозларнинг содиқлиги<br>Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш | Кичик ва ўрта бизнес фаолияти даражасининг пасайиши<br>Истеъмолчиларнинг хатти-ҳаракатларини ўзгартириш |
| Ижтимоий | Йирик корхоналар томонидан корпоратив ижтимоий жавобгарлик дастурларини қўллаб-қувватлаш<br>Ижтимоий муаммоларга жамоатчилик қизиқишининг ўсиши | Аҳолининг заиф қизиқиши, кичик ва ўрта бизнес вакиллари |
| Технологик | Рақамли муҳит ва хизматларни ривожлантириш географик киришни кенгайтириш | Рақамли ечимларни ишлаб чиқиш билан боғлиқ қўшимча харажатлар |

Бугунги кунда кўнгиллилар ҳаракати иштирокчиларининг давлат органлари ва жамоат ташкилотлари билан ўзаро таъсири, «кумуш» кўнгиллиликни ривожлантириш, кўнгиллиликни молиявий ва grant билан қўллаб-қувватлаш, кўнгиллилар иши натижаларини баҳолаш усуллари каби масалалар ушбу соҳада ечимларни талаб қилади. Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши йиллар кесимида олганда салбий слдои кўрсатмоқда (2-жадвал).

**2-жадвал**

**Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши умумий ҳажмга нисбатан % да[10]**

| Кўрсаткичлар | 2018 | 2019 | 2020 | 2021 | 2022 | 2023Q2 |
|---|---|---|---|---|---|---|
| ЯИМ | 62,4 | 56,0 | 55,7 | 54,9 | 51,8 | 48,6 |
| Саноат | 37,4 | 25,8 | 27,9 | 27,0 | 25,9 | 26,0 |
| Қурилиш | 73,2 | 75,8 | 72,5 | 72,4 | 71,6 | 77,1 |
| Бандлик | 76,3 | 76,2 | 74,5 | 74,4 | 74,4 | - |
| Экспорт | 27,2 | 27,0 | 20,5 | 22,3 | 29,5 | 27,6 |
| Импорт | 56,2 | 61,6 | 51,7 | 48,7 | 49,4 | 47,6 |

2-жадвал маълумотлари асосида айтиш мумкинки, тадбиркорликни ривожлантириш охирги йилларда сустлашмоқда. Мамлакатимиз томонидан барча шароитлар яратиб берилган вақтда улардан оқилона фойдаланилса тадбиркорилик соҳаси янада ривожланади. Шу билан бирга тадбиркорларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга ҳизмат қилади.

Бизнинг фикримизча, кўнгиллилар фаолиятини нафақат давлат муассасалари, идоралар, жамоат ташкилотлари амалиётига интеграция қилиш механизмларини ишлаб чиқиш, балки ўсиб бораётган ижтимоий тадбиркорлар ҳамжамияти билан ўзаро ҳамкорлик қилиш ҳам долзарб йўналишлардан биридир. Бу ижтимоий йўналтирилган бизнеснинг арзон нархлардаги кадрлар имкониятларини кенгайтиришда, ижтимоий тадбиркорларнинг товарлари ва хизматлари бозорларини ривожлантиришда, шу жумладан замонавий тармоқ технологияларидан фойдаланган ҳолда ресурслар алмашинуви учун кўнгилли каналларни ривожлантиришда намоён бўлиши мумкин. Шу билан бирга, кўнгиллилик салоҳиятини ижтимоий бизнесга жалб қилиш давлат тузилмалари томонидан қўллаб-қувватланиши керак.

Назарий жиҳатдан, ижтимоий тадбиркорлик жамоат манфаати ва давлат сектори иқтисодиёти назариялари, шунингдек, оқилона бошқарув назарияси нуқтаи назаридан кўриб чиқилади. Ижтимоий тадбиркорликнинг замонавий тушунчаси ижтимоий тадбиркорлар фаолиятининг турли жиҳатларини фарқлаш билан боғлиқ; мақсадли стратегиялар ва фаолиятнинг лойиҳа шаклларини белгиловчи таъсир ғоялари; бундай бизнесни ташкил етиш белгилари ва шаклларини аниқлаш [11].

Тижорат ташкилотлари кўринишидаги ижтимоий тадбиркорлар ўз корхоналарини тўлиқ назорат қиладилар, аммо ташқаридан minimal молиявий манбаларга ега. Ижтимоий топшириқни бажариш ва фойда олиш зарурати ўртасидаги мувозанатни сақлаш қийин вазифадир [12].

Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, давлат ижтимоий тадбиркорликни қўллаб-кувватлашга киритилганидан бери бизнес (“ижтимоий бизнес”) уни қонунийлаштириш учун намуна бўлганига қарамай, нотижорат ташкилотларнинг роли устун бўлиб қолмоқда [13].




**1-расм. Тадбиркорлик ижтимоий муҳити[9]**

Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш сиёсати, тизими, механизми шакллантирилган ва улар амалга ошириб келинмоқда. Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш сиёсати - бу тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг назарий асослари, концепсияси, дастурлари, амалга ошириш механизми, йўллари, йўналишлари, воситалари, усуллари, чора-тадбирлари мажмуйидир. Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизими - бу тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш сиёсати, дастурлари, механизми ва уларни амалга оширишни ташкил этишни таъминлашга масъул давлат органлари ва нодавлат ташкилотлари мажмуйи ҳисобланади.

Тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш қуйидаги асосий йўналишларда амалга оширилади.

1. Тадбиркорликнинг ижтимоий фаоллигига оид меъёрий-ҳуқуқий базани яратиш ва такомиллаштириб бориш. Ўзбекистонда тадбиркорликнинг меъёрий-ҳуқуқий базаси яратилган ва такомиллаштириб борилмоқда. Тадбиркорликка оид бир қатор қонунлар, Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари қабул қилинди ва уларнинг қатори кенгайиб бормоқда. Фақат уларнинг ижросини таъминлаш ва назорат қилиш лозим.

2. Тадбиркорликнинг ривожланишини ташкилий таъминлаш. Бу йўналишни қўллаб-қувватлаш давлат органлари ва нодавлат ташкилотларини аниқлаш ва тузиш, марказий ва маҳаллий органларнинг шу соҳадаги ваколатлари ва вазифаларини аниқ белгилаш, тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат дастури ва минтақавий дастурларини тузиш ва амалга оширишни ташкил этиш ҳамда бошқа ташкилий тадбирларни ўз ичига олади.

3. Тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш. Бундай қўллаб-қувватлаш сармоя тўплаш, инвестицияларни жалб қилиш ва амалга оширишга кўмаклашиш, имтиёзли кредитлар беришни

ташкил этиш ва уни кафолатлаш, солиқ имтиёзлари бериш, божхона тўловларидан тўлиқ ёки қисман озод қилиш, тўловларни кечиктириш, тезлаштирилган амортизацияни жорий қилиш, суғурта ишларига кўмаклашиш ва бошқа йўллар билан амалга оширилади.

**Хулоса ва таклифлар**:

Ўтказилган тадқиқотлар қуйидаги тенденцияларни аниқлади:

1) ўтган йил давомида ижтимоий корхоналар сони ўзгаришсиз қолмоқда. Меъёрий-ҳуқуқий соҳада “ижтимоий тадбиркорлик” ва “ижтимоий корхона” тушунчаларининг етарлича кенг талқин қилинмаганлиги, ижтимоий соҳага тегишли хизматларни кўрсатадиган, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ижтимоий бизнес тадбиркорларининг вакилларининг камайишига сабаб бўлмоқда;

2) ижтимоий тадбиркорлар мавжуд бўлган ҳудудларда ижтимоий мақомга эга бўлган корхоналар сонининг ўсиш суръати ўзгариб туради, вилоятлар бўйича ўсишни таъминлаб ҳам беради.

3) ижтимоий корхоналарни вилоятлар бўйича тақсимлашда нотекислик мавжуд. Кичик ва ўрта бизнес, уларнинг ишчилари сони ва ишчиларнинг умумий сонига нисбатан ижтимоий тадбиркорларнинг энг катта улуши Тошент шаҳрига тўғри келади. Бундай нотекис тақсимотнинг сабабларини аниқлаш ва бартараф этиш учун давлат томонидан имтиёзлар ажратиш лозим;

4) ижтимоий тадбиркорлар аҳолининг бошқа тоифаларига нисбатан юқори даражадаги ижтимоий масъулият билан ажралиб туради. Қоида тариқасида, бундай тадбиркорлар хайрия ёки кўнгилли иш каби ижтимоий йўналтирилган фаолиятда тажрибага эга;

5) ижтимоий тадбиркорликни ривожлантириш истиқболлари йирик бизнесни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий фаоллик билан боғлиқдир;

6) иқтисодиётни рақамлаштириш, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш, франчайзинг форматининг тарқалиши ижтимоий фаолликни ривожлантириш учун қулай тенденциялардир.

Шундай қилиб, ижтимоий фаолиятнинг ривожланиши биринчи навбатда истеъмолчиларнинг муайян муаммоларини ҳал қилиш, ижтимоий инновациялар, ижтимоий эҳтиёжлар, ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга сармоя киритишга тайёрлик ва умуман, бизнеснинг ижтимоий жавобгарлик даражаси билан боғлиқ. Бир томондан, ижтимоий тадбиркорлик учун сифатли ривожланиш даври келди, иккинчи томондан, ноаниқлик даражаси ўсиб бормоқда. Шунга қарамай, корпоратив ижтимоий масъулият ва ишбилармон доираларнинг ижтимоий фаоллиги соҳасида кузатилган тенденциялар Ўзбекистонда ижтимоий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай прогнозни кўрсатади.

Кейинги тадқиқотларнинг мақсади иқтисодиётнинг турли соҳаларида ижтимоий тадбиркорликнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш, йирик бизнес экотизимининг ижтимоий тадбиркорлик ғояларини шакллантиришга таъсирини, самарали хорижий амалиётни мослаштириш имкониятларини баҳолашдан иборат.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Шумпетер Й.А. Теория экономического развития (Theorie der wirtschaftlichen Entwicklung). Изд. Директмедиа Паблишинг, 2008. - 400 с.

2. Bornshteyn, Devid Dunyoni qanday oʻzgartirish mumkin. Nyu-York: Oksford universiteti matbuoti. 2007. pp.124–126. ISBN 978-0-19-533476-0.

3.https://www.researchgate.net/publication/308119717_Factors_Influencing_the_Development_of_Social_Entrepreneurship_in_Bangladesh

4. Anica Iancu, Luminita Popescu & Virgil Popescu (2020): Factors influencing social entrepreneurship intentions in Romania, Economic Research-Ekonomska Istraživanja, https://www.researchgate.net/deref/https%3A%2F%2Fdoi.org%2F10.1080%2F1331677X.2020.1820358?_tp=eyJjb250ZXh0Ijp7ImZpcnN0UGFnZSI6InB1YmxpY2F0aW9uIiwicGFnZSI6InB1YmxpY2F0aW9uIn19

5. Сабирова Земфира Эмильевна Социальное предпринимательство как драйвер социальной и экономической активности общества // Вестник УГНТУ. Наука, образование, экономика. Серия: Экономика . 2018. №4 (26).

6. Яхнеева Ирина Валерьевна, Павлова Аделия Вадимовна СОЦИАЛЬНОЕ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВО В РОССИИ: СОСТОЯНИЕ, ФАКТОРЫ ВЛИЯНИЯ, ПЕРСПЕКТИВЫ // ЭПП. 2021. №6.

7. Давлетов Ж.Б. «Ҳар бир оила – тадбиркор» концепцияси ва ундаги инновацион ғоялар (ижтимоий – фалсафий таҳлил) // Academic research in educational sciences. 2021. №2. URL: https://cyberleninka.ru/article/n/ar-bir-oila-tadbirkor-kontseptsiyasi-va-undagi-innovatsion-oyalar-izhtimoiy-falsafiy-ta-lil (дата обращения: 08.04.2023).

8. https://companies.rbc.ru/id/1177031080324-ooo-makbet/

9. Муаллиф томонидан илмий изланишлар натижасида ишлаб чиқилди

10. https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/small-business-and-entrepreneurship-2

11. Zainasheva Z.G., Sabirova Z.E. Features and forms of implementation of social entrepre-neurship // Bulletin of USPTU. Science, educa-tion, economics. Economy series. 2017. No. 4 (22). P. 143-148.

12. Ilyin S.V., Ilyina L.A. Organizational-economic bases of realization of the project social enterprise // Actual problems of manage-ment in social and economic systems: Collection of scientific papers. Ufa: Institute for social andeconomic research of USC of RAS, 2016. P. 117-121.

13. Moskovskaya A.A., Berendyaev A.A., Moskvina A.Yu. Between social and economicgood: conflict projects legitimization of social entrepreneurship in Russia // Public opinionmonitoring: Economic and social changes. 2017. No. 6. P. 31-51.

MEHNAT IQTISODIYOTI
VA INSON KAPITALI
https://laboreconomics.uz

# MEHNAT IQTISODIYOTI VA INSON KAPITALI
## 2023-yil Maxsus son

## ЭКОНОМИКА ТРУДА И ЧЕЛОВЕЧЕСКИЙ КАПИТАЛ

## LABOR ECONOMICS AND HUMAN CAPITAL

laboreconomics.uz

*Muharrirlar:*
*Yaxshiyev H.T.*
*Matxo'jayev A.O.*

*Musahhih:*
*Kamilova D.J.*

*Tehnik muharrir:*
*Mirzayev J.O'.*

Litsenziya AI № 2537 08.02.2022 y. Bosishga ruxsat etildi 19.10.2023.
Qog'oz bichimi 60x84 1/8. Shartli bosma tabog'i 31,6. Raqamli bosma.
Adadi 50 nusxa. №16/10-2023 - sonli buyurtma.

"Zarafshon Foto" MCHJning matbaa bo'limida chop etildi.
100164, Toshkent sh., Mirzo Ulug'bek tumani, Shahriobod ko'chasi, 3-uy.

1st DIRECTION:
TRENDS AND PROSPECTIVE DIRECTIONS OF GLOBAL ECONOMIC DEVELOPMENT.

CONFERENCE "GLOBAL AND NATIONAL ECONOMIC TRENDS"

"IFRS"

ФОРУМ

19-20 OCTOBER 2023
TASHKENT STATE UNIVERSITY OF ECONOMICS, TASHKENT, UZBEKISTAN

TASHKENT STATE UNIVERSITY OF ECONOMICS

"IFRS" НОМЛИ КОНФЕРЕНЦИЯ

I ЙЎНАЛИШ: ГЛОБАЛ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛИ ЙЎНАЛИШЛАРИ.
"Глобал ва миллий иқтисодиёт трендлари" номли конференция

PARALLEL CONFERENCES

- Corporate Account
- Training personnel f
- Business environme
- Digital technologies

- Gender Equality
- Industry 4.0
- Sustainable Agricultural Development


100066, Toshkent shahri, Islom Karimov ko'chasi, 49-uy.
+998 99 881-86-98
ilmiymaktab@gmail.com
www.laboreconomics.uz